

Date: 5th June-2026

ЙЎҒОН ИЧАК ДЕВОРИ МИКРОФЛОРАСИНИ БАҲОЛАШГА
АСОСЛАНГАН МАҚСАДЛИ АНТИБАКТЕРИАЛ ТЕРАПИЯНИНГ КЛИНИК
САМАРАДОРЛИГИ

Жабборов Ш.Р.¹, Курбаниязов З.Б.²

¹Самарқанд давлат тиббиёт университети, 1-сон хирургик касалликлар ва
трансплантология кафедраси мустақил изланувчиси

²Самарқанд давлат тиббиёт университети, 1-сон хирургик касалликлар ва
трансплантология кафедраси мудири, профессор, т.ф.д.

Абсаломов Махсуджон Улугбек угли

Самарқандский филиал республиканского научного центра экстренной
медицинской помощи

Долзарблиги. Ярали колитнинг оғир шаклларида стандарт эмпирик антибактериал терапиянинг самарадорлиги ичак деворида кузатиладиган антибиотикларга чидамли микрофлора туфайли чекланган бўлиши мумкин. Йўғон ичак девори биоптатларининг микробиологик таҳлилига асосланган мақсадли терапиянинг клиник самарадорлигини баҳолаш амалий аҳамиятга эга.

Мақсад. Йўғон ичак девори микрофлорасининг сезгирлигини ҳисобга олган ҳолда танланган мақсадли антибактериал терапиянинг клиник самарадорлигини стандарт даволаш усули билан таққослаб баҳолаш.

Материал ва усуллар. Тадқиқотга оғир кечувчи ярали колит билан хасталанган 80 нафар бемор киритилиб, тасодифий тартибда икки гуруҳга бўлинди. Асосий гуруҳ (40 нафар) йўғон ичак девори биоптатларининг микробиологик таҳлили натижаларига асосланган индивидуал танланган антибактериал режим билан тўлдирилган комплекс терапия олди. Назорат гуруҳи (40 нафар) миллий клиник кўрсатмаларга мувофиқ стандарт режимда даволанди. Тадқиқот давомида ҳар икки гуруҳдан бир нафардан бемор вафот этгани сабабли, якуний таҳлил 39 тадан бемор асосида ўтказилди. Гуруҳлар ёш, жинс, ҳамроҳ касалликлар ва касаллик тарқалиши бўйича статистик жиҳатдан фарқ қилмади ($p \geq 0,05$).

Натижалар. Даволашнинг 14-кунига келиб асосий гуруҳда 34 нафар (85%) беморда клиник ремиссия қайд этилган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 24 нафар (60,0%) бемордан иборат бўлди ($p \leq 0,05$). Таклиф этилган даволаш тактикасини қўллаш жарроҳлик аралашувлар эҳтиёжини 7,5 фоизга, операциядан кейинги асоратлар сонини эса 60,8 фоизга камайтириш имконини берди ($p \leq 0,05$). Узоқ муддатли кузатувда (6 ой – 1 йил) асосий гуруҳда 34 нафар (94%) беморда, назорат гуруҳида эса 27 нафар (82%) беморда барқарор ремиссия сақланганлиги аниқланди. Иқтисодий-ижтимоий самарадорлик таҳлилида асосий гуруҳда барқарор ремиссияга эришган беморлар улуши 85% ни, назорат гуруҳида эса 67,5% ни ташкил этди.

Хулоса. Йўғон ичак девори микрофлорасининг микробиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган мақсадли антибактериал терапия



Date: 5th June-2026

оғир кечувчи ярали колит билан оғриган беморларда стандарт эмпирик даволашга нисбатан юқори клиник самарадорликка эга бўлиб, ремиссияга эришиш даражасини ошириш, жарроҳлик аралашувлар ва асоратлар сонини камайтиришга хизмат қилади.

Калит сўзлар: ярали колит, мақсадли антибактериал терапия, микробиологик таҳлил, клиник ремиссия, асоратлар.

